

УДК 108

*Аминова Дилором, магистр 2 курса*

*Факультет социальных наук Национального университета  
Узбекистана*

*Aminova Dilorom, master student*

*National University of Uzbekistan*

## **ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДА ҲУҚУҚИЙ ФАНЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ**

Аннотация: Истиклолнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий асосларни яратиш билан бирга маънавий-маърифий ва таълим-тарбия соҳаларни ислоҳ этиш, ёшларимизни ҳам маънан, ҳам жисмонан етук, бозор иқтисодиёти шароитида бемалол рақобатлаша оладиган, замонавий билимларни пухта эгаллаган юксак ақл-заковат соҳиблари этиб вояга етказиш давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида бўлиб келмоқда.

Калит сўзлар: ёшлар, глобаллашув, маънавият, ҳуқуқ.

## **THE IMPORTANCE OF LEGAL SCIENCES IN RAISING THE MORALE OF YOUNG PEOPLE IN THE GLOBAL ENVIRONMENT**

Annotation: starting from the first years of independence, the country is constantly in the attention of the head of our state to strengthen its independence, along with the creation of economic, social and legal foundations, to reform spiritual, educational and educational spheres, to bring our youth both spiritually and spiritually mature, to become owners of high intelligence capable of freely competing in the conditions

Keywords: youth, globalization, spirituality, law.

2008 йилнинг “Ёшлар йили”, 2010 йил “Баркамол авлод йили” ва 2016 йил “Соғлом она ва бола йили”, 2017 йил “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилиниши эса сўзимизнинг исботидир. Юртимизда фарзандларимизнинг ақл салоҳияти, қобилияти ва ҳуқуқий

иктидорини рўёбга чиқариш уларнинг том маънода баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши, ёшларимизнинг талаб эҳтиёжлари ҳамда манфаатларини қондиришга қаратилган. «Бугунги кунда Ўзбекистонда олиб борилаётган ёшларга доир давлат сиёсати ва унинг амалий натижалари жаҳон ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотмоқда. Мамлакатимиз томонидан бу борада илгари сурилаётган ташаббуслар, жумладан, БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг Ёшларга мурожаати ва уни амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар дастурини қабул қилиш ва амалга ошириш борасидаги таклифларимиз халқаро миқёсда қўллаб-қувватланмоқда. Умумтаълим мактабларида 8 синфдан бошлаб давлат ва ҳуқуқ асослари фани фан сифатида ўқитила бошлайди. Айнан мана шу фан доирасида ёшларни қизиқишларини ўзига жалб қила олиш муҳимдир. Глобаллашув жараёнининг чуқурлашиб бориши натижасида инсон учун хавфли бўлган турли хил ноанъанавий таҳдидлар юзага келмоқда. Булардан энг хавфлилари инсонларнинг руҳиятига таъсир ўтказиш орқали миллатларнинг қадриятлари ва турмуш тарзини издан чиқаришга қаратилган ахлоқ-одоб, оила ва жамият ҳаётида жиддий таъсир кўрсатадиган маънавий таҳдидлар ҳисобланади. Айнан шундай маънавий таҳдидларга ёшларнинг дуч келиши натижасида турли хил ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар келиб чиқмоқда. Мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ривожлантиришга берилаётган эътибор натижасида бир қанча жиноятчиликнинг олди олинмоқда. Хусусан ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этилмаганлиги сабабли ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг ва ҳуқуқбузарликлар амалга оширилаётгани аянчи ҳолатдир. 2018 йилнинг январь-ноябрь ойларида содир этилган жами жиноятларда ёшлар улуши 28,9 фоизни (42784 тадан 12388 та) ташкил этди. Жорий йилнинг худди шу даврида, гарчи

жиноятчилик даражаси камайган бўлишига қармасдан, бу кўрсаткич 34,6 фоизга ўсган (33 мингдан зиёдроқ ичида 11,5 минг).

2019 йилнинг биринчи ярим йиллигида ёшлар ўртасида 3956 та жиноят содир этилган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврида бу кўрсаткич 6409тани ташкил қилган эди. Бу ҳақда Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси Бойматжон Расулов маълумот берди. «Ёшлар ўртасида содир этилаётган жиноятлар сони ўтган йилнинг дастлабки олти ойига нисбатан 38 фоизга камайган бўлса-да, уларнинг умумий жиноятлардаги қисми 27 фоизни, шу жумладан ишламасдан юриб, жиноят содир этганлари 1559 нафарни ташкил қилмоқда».

Албатта ёшлар ўртасида жиноятчиликни олдини олиш учун уларда ҳуқуқий саводхонликни янада ошириш зарур. Ёшларга ҳуқуқий фанлардан дарс бериш жараёнида уларга Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларатсиясининг қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган миллий қонунчилигимизнинг барча меъёрларида ўз ифодасини топганлиини тўла етазиб берилиш ҳам педагогнинг маҳоратига боғлиқ. Албатта, бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий соҳалардаги ислоҳатларда инсон ва унинг ҳуқуқлари олий қадрият эканлиги эътироф этилган. Бу соҳаларда ўтказилаётган ислоҳатларнинг асосий сабабларидан бири фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг янада таъминланиши ҳамда халқаро ҳуқуқ нормаларига мос равишда фаолият олиб боришдир. Халқаро меъёрларни мамлакат миқёсида жорий этишдан олдин, албатта мамлакатнинг миллий хусусиятларини ҳам эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, миллий ва умум эътироф этган халқаро ҳуқуқ нормалари мамлакат фуқаролари шу жумладан, мамлакат ёшларининг ҳуқуқ ва манфаатларига зид бўлиши керак эмас.

Миллий ва халқаро ҳуқуқ нормалари ёшлар камолотида, уларнинг маънавий савиясида, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларига кириша олишида, таъбир жоиз бўлса халқаро алоқаларда фаол иштирок этишидаги ўрни, бениҳоя каттадир.

Мамлакатимизда миллий ҳуқуқ нормаларига Конституция асос қилиб олинган. Халқимиз Конституциядаги демократик қадриятлар ва илғор ғоялар орқали маърифий дунёни англаётган бўлса, дунё Конституциямиз орқали халқимизнинг табиати ва олижоноб фазилатларини англамоқда. Асосий қонунда ўзбекона одамийлик, инсонпарварлик, бағрикенглик, адолат ва саҳоватпешалик хислатлари ҳуқуқий ифодасини топган.

Бундан ташқари куйидаги қоидалар улкан маънавий-ахлоқий маъно касб этиши билан бетакрор қадриятлар сифатида номаён бўлади: “хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар” (46-модда), “ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш имконияти кафолатланади” (44-модда), “Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир” (45-модда), “вояга етган меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар” (66-модда). Ушбу конституциявий қоида халқимиз табиатига хос бўлган ота-оналар ва фарзандлар ўртасида ўзаро меҳр-оқибатли муносабатларни ифодалайди.

1924-йилги Бола ҳуқуқлари Женева декларатсиясида ва 1959-йил 20-ноябрда БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Бола ҳуқуқлари декларатсиясида кўзда тутилганлигини ва Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларатсияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пактда (жумладан, 23 ва 24-моддаларида), Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пактда (жумладан, 10-модда), шунингдек, ихтисослашган муассасалар ҳамда болаларнинг фаровонлиги масалалари билан шуғулланувчи халқаро ташкилотларнинг Низомлари ва тегишли ҳужжатларида эътироф этилганлигини эътиборга олиб, Бола

ҳуқуқлари декларатсиясида кўрсатиб ўтилганидек, “бола, агар у жисмоний ва ақлий жиҳатдан камолотга етишмаган бўлса, махсус равишда муҳофаза ва ғамхўрликка, бинобарин, туғилгунча ва туғилгандан кейин ҳам муносиб даражадаги ҳуқуқий ҳимояга муҳтож” эканлигини эътиборга олиб, ижтимоий ва ҳуқуқий тамойиллар тўғрисидаги декларатсиянинг болалар ҳимояси ва фаровонлиги, айниқса, болаларни миллий ва халқаро даражаларда тарбиялашга бериш ҳамда асраб олиш пайтидаги ҳимояси ва фаровонлигига доир қоидаларига, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритишга доир минимал стандарт қоидалари (“Пекин қоидалари”) ва Фавқулодда ҳолатларда ва қуролли можаролар даврида аёллар ва болаларни ҳимоя қилиш тўғрисида декларация қоидаларига таяниб, жаҳондаги барча мамлакатларда ниҳоятда оғир шароитларда яшаётган болалар борлиги ҳамда улар алоҳида эътиборга муҳтож эканликларини эътироф этиб, боланинг ҳимоя қилиниши ва уйғун равишда ривожланиши учун ҳар бир халқнинг анъаналари ва маданий қадриятлари муҳим аҳамият касб этишини муносиб тарзда ҳисобга олиб, ҳар бир мамлакатда, жумладан, ривожланаётган мамлакатларда болаларнинг турмуш шароитларини яхшилаш учун халқаро ҳамкорлик қилишнинг муҳимлигини эътироф этдилар.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасига мувофиқ, ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Фуқароларнинг билим олиш ҳуқуқи уларнинг миллати, ирқи, жинси, ўтмиши, диний эътиқодидан қатъи назар тенг асосда она тилида таъминланади. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир. Ушбу конституциявий қонун Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларатсияси тамойиллари билан ҳамоҳангдир. Хусусан, Декларатсиянинг 26-моддаси иккинчи бандида қуйидаги сатрлар битилган: “Таълим инсон шахсини тўла баркамол қилишга ... барча халқлар, ирқий

ва диний гуруҳлар ўртасида бир-бирини тушуниш, бағрикенглик ва дўстликка хизмат қилиши керак” лиги белгиланган. Билим олишга оид конституциявий норма ва юқоридаги Декларатсиянинг қонидаси Ўзбекистонда “Таълим тўғрисидаги” қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури билан кафолатли тарзда амалга ошириб келинмоқда.

Ҳозирги кунда ҳаммаси бўлиб, инсон ҳуқуқлари бўйича 1000 га яқин халқаро ҳужжатлар мавжуд. Бу халқаро ҳужжатларда инсон ҳуқуқларига оид жаҳон андозалари белгилаб қуйилган ва уларнинг миллий қонунлардан устуворлиги тамойили аксарият давлатлар томонидан тан олинган.

Дунёдаги ҳар бир давлатда ҳам инсон ҳуқуқларига оид муайян қонунчилик тизими шаклланган. Бу қонунчиликнинг негизини, авваламбор, Конституциялар ташкил этади. Барча давлатлар Конституцияларида инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларига махсус бўлим, боблар ажратилган. Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари жорий қонунларда ўз аксини топган. Истиклол йилларида мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича юзга яқин халқаро ҳужжатларга қўшилди ва уларнинг талабларини самарали ижро этиб келмоқда. Халқаро ҳуқуқ нормалари инсон манфаатлари, хоҳиш-иродасидан келиб чиқиб, қабул қилинган стандартлардир, – дейди Фридрих эберт жамғармасининг Марказий Осиё бўйича минтақавий вакили Пер Тешендорф. – Уларни миллий қонунчилигига самарали имплементатсия қилган давлат нафақат ўз фуқаролари манфаатларини юқори даражада ҳимоялайди, балки жаҳон ҳамжамиятида мустаҳкам ўрин ва нуфузга эга бўлади. Ўзбекистон қисқа давр ичида ушбу ёналишда жуда кўплаб ютуқларга эришгани эътиборга молик.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш таъминланганда чинаккам ҳуқуқий фуқаролик жамияти бўлади. Ҳар бир киши ўз ҳуқуқларини аниқ

ва равшан билиши, улардан фойдалана олиши, ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қила олиши лозим. Бунинг учун аввало, мамлакатимиз аҳолисининг ҳуқуқий маданиятини ошириш зарур.

Жамият ва давлат ижтимоий фаол ва қонунга итоаткор фуқароларни тарбиялашдан манфаатдордир. Давлат жамият маданий ҳаётининг таркибий қисми бўлмиш ҳуқуқий маданият тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилади.

Ҳуқуқий таълимнинг мақсади ҳар бир кишига амалий фаолиятда зарур бўладиган давлат стандартларидан кам бўлмаган ҳажмда олиш имкониятини беришдан иборатдир. Тарбиявий ва ўқув ишлари шахсининг ҳуқуқий онг даражасини инсон, жамият, давлат манфаатларига жавоб берадиган энг умумий юридик принциплар ва нормаларни англаб етишга қадар оширишга йўналтирилиши лозим.

Ҳуқуқий таълим узлуксиз бўлиб, ёшлиқдан бошлаб бериб борилиши лозим. Болалар мактабгача тарбия муассасаларидаёқ хулқ-атвор қоидаларидан хабардор бўлиши, маънавий ва баъзи ҳуқуқий нормалар тўғрисида бошланғич тушунчалар олиши, келгусида ўқув давомида бу билимлар кенгайтирилиши ва чуқурлаштирилиши, аниқ ифодаланган ҳуқуқий хусусият касб этиши зарур.

Ҳуқуқий ахборотдан барчанинг эркин фойдалана олишини таъминлаш, ҳар кимга ўзининг ҳуқуқий билимларини ошириш учун реал шароит яратиш фуқароларга ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини тегишли тарзда амалга ошириш, бурчларини бажариш, жамиятнинг сиёсий ҳаётида онгли ва фаол иштирок этиш имконини беради. Ҳуқуқий тарбиянинг ўтмишдан қолган фақат бир томонлама ахборот бериш – маърифатчиликка ёналтирилганлигини бартараф этиб, уни қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш вазифалари билан узвийроқ боғлаш зарур.

Шуни мутассил назарда тутиш керакки, ҳуқуқий тарбия инсонларни ҳуқуқ, қонунийлик руҳида тарбиялаш, ҳуқуқий маърифат, қонунга ҳамда ҳуқуққа нисбатан ижобий муносабатни шакллантириш билан чекланиб қолмай, балки шаснинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигида, унинг ҳуқуқий маданиятида ўзининг тугал ифодасини топади.

Адабиётлар:

1. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент 2019 йил 6 бет.
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент 2019 йил 8 бет.
4. Inson huquqlari bo'yicha xalqaro shartnomalar.(To'plam), -Т.: 2004, - В.35.
5. О'зА, N.Abduraimova, Milliy va xalqaro qonunchilik uyg'unligi. 21.05.2012
6. Farhodjonova N. F. Problemi primeneniya innovatsionnix texnologiy v obrazovatel'nom protsesse na mejdunarodnom urovne. Mejdunarodnaya konferentsiya. Innovatsionnie tendentsii, sotsial'no-ekonomicheskie i pravovie problemi vzaimodeystviya v mejdunarodnom prostranstve. – 2016.
7. Sodirjonov, M. M. (2020). Some Thoughts On The Evolution Of Approaches To The Concept Of Human Capital. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(08), 144-150.
8. Sodirjonov, M. M. (2020). EDUCATION AS THE MOST IMPORTANT FACTOR OF HUMAN CAPITAL DEVELOPMENT. Theoretical & Applied Science, (4), 901-905.